

Фикҳ дарслари (108-дарс). Оқава сувларни тозалагандан кейин улар ила покланиш ҳақида



13:00 / 29.10.2020 2486

Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ҳамд бўлсин!

Ортдан Набий келмайдиган зот – саййидимиз ва Набийимиз Муҳаммадга салавоту салом бўлсин!

Аmmo баъду:

Робитатул Оламил Исломийнинг Ислом Фикҳи Академияси кенгаши ўзининг Маккаи Мукаррамада, 13 Ражаб, ҳижрий 1409 йил, душанба кунидан то 20 ражаб, ҳижрий 1409 йил, якшанба кунигача (милодий 1989 йил 19 февралдан 1989 йил 26 февралгача) бўлиб ўтган ўн биринчи мажлисида оқава сувларнинг тозалангандан кейинги ҳукми ҳақидаги саволни кўриб чиқди. У билан таҳорат ва ғусл қилиб, нопокликни кетказса бўладими? У билан нажосатни кетказса бўладими?

Кимёвий йўллар билан тозалаш бўйича шуғулланувчи мусулмон, адолатли, содиқлик ва омонатдорликда ишончли мутахассислардан сўраб-суриштирилганидан кейин, мазкур сувдан нажосатни кетказиш тўрт босқичда: сизилтириб, ҳаводан ўтказиб, микробларни ўлдириб ва хлор билан зарарсизлантириб амалга оширилиши маълум бўлди. Шундай қилиб, сувнинг таъмида, рангида ва ҳидида нажосатнинг асари қолмайди.

Кейин Академия қуйидаги қарорни қабул қилди:

Агар оқава сувлар зикр қилинган ва унга ўхшаш йўллар билан тозаланса ҳамда таъмида ҳам, рангида ҳам, ҳидида ҳам нажосатнинг асари қолмаса, пок сувга айланади. У билан бетаҳоратликни ва нажосатни кетказиш жоиздир. Бунга асос «Кўп сувга нажосат тушган бўлса, ўша нажосатнинг ундан кетиши ҳамда асари қолмаслиги ила у сув покланади», деган фикҳий қоидадир.

Саййидимиз Муҳаммадга, оила аъзоларига ва саҳобаларига салавоту саломлар бўлсин!

Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин!

«Кифоя» китобидан